



ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Юсупов Зафарбек Назарович

ИИВ Академияси магистратурасининг ташкилий-тактик

йўналиши тингловчиси, майор

<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.7941051>

ARTICLE INFO

Received: 08th May 2023

Accepted: 15th May 2023

Online: 16th May 2023

KEY WORDS

Йўл ҳаракати хавфсизлиги,
автотранспорт
воситалари, норматив-
ҳуқуқий ҳужжатлар,
автомобиль йўллари.

ABSTRACT

Мақолада мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар, бу борада қабул қилинган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳамда қонунчилик нормаларига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар ҳамда йўл-транспорт ҳодисаларига оид статистик маълумотлар, уларнинг келтириб чиқарган сабаблар унга имкон берган шарт-шароитлар ҳамда йўл-транспорт ҳодисаларини олдини олишга доир бир неча таклифлар баён этилган.

Автомобиллаштиришнинг кескин ўсиши билан йирик шаҳарларда йўл ҳаракати хавфсизлигини ташкил этиш энг асосий вазифалардан бўлиб, соҳа мутахассислари учун долзарб мавзулардан биридир. Жаҳон миқёсида автомобил йўлларида содир бўлган йўл-транспорт ҳодисалари (ЙТХ) оқибатида доимий ҳалок бўлаётганлар ва жароҳатланганлар сонини камайтириш, ҳалокатлилик даражасини ортиши асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Йўлларда аҳолига хизмат кўрсатишда ва ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда қийинчиликлар юзага келмоқда. Йўл-транспорт ҳодисалари оқибатида иқтисодий ва ижтимоий зарарлар келиб чиқмоқда. Ўзбекистоннинг иқтисодий ҳаётида транспорт ва алоқалар тизими ҳал қилувчи ўрин тутди¹.

Маълумотларга кўра ҳар йили 1.3 миллион одам йўл транспорт ҳодисаси қурбони бўлишса, 20-50 миллион одам жароҳатланади ва улардан кўпчилиги ногирон бўлибқолишаётганлиги, йўл - транспорт ҳодисалари одамларга, уларнинг оилаларига ва умуман давлатларга катта иқтисодий зарар келтиради. Бу йўқотишлар даволаниш харажатлари, шунингдек, жароҳатлари туфайли ўлган ёки ногирон бўлганлар, шунингдек, жароҳатланганларга ғамхўрлик қилиш учун ишдан ёки мактабдан дам олишлари керак бўлган оила аъзолари учун маҳсулдорликни йўқотишдан келиб чиқади. Йўл - транспорт ҳодисалари зарари аксарият мамлакатларга ялпи ички маҳсулотининг 3 фоизини ташкил қилади. Йўл-транспорт ҳодисалари 5-29 ёшдаги

¹ Umirov I., Turushev S., Ravshanov F. Йўл бўлақларининг ҳаракатланиш хавфсизлигига таъсирини таҳлил қилиш //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 919-925.



болалар ва ёшлар ўлимнинг асосий сабабидир. Эркаклар аёлларга қараганда йўл - транспорт ҳодисаларига тез-тез учрайди. Йўл - транспорт ҳодисаларида ўлимнинг тўртдан уч қисми (73%) 25 ёшгача бўлган эркаклар орасида содир бўлади, улар йўл - транспорт ҳодисасида ўлиш эҳтимоли ёш аёлларга қараганда деярли 3 барабар юқори².

Ушбу йўл транспорт ҳодисаларни содир этилишига сабаб бу йўл ҳаракати хавфсизлиги фаолиятини самарали ташкил этилмагани деб билишади. Фуқаролар онгида ушбу ёндашувни бўлишига сабаб йпх инспектори шу ерда турганда шу йтх бўлмасди деган фаразлар бўлади. Аслида ҳам шундай йўл ҳаракати хавфсизлиги фаолиятини самарали ташкил этиш борасида самарали ишлар амалга оширилди. Жумладан ушбу фаолиятдан инсон омили камайиб тизим фаолияти автоматлаштирилди.

Бундан ташқари, ҳайдовчиларнинг ҳайдовчилик маданиятини кучайтириш ва йўл қоидаларига риоя этиш мақсадида автомактаблар фаолияти мутлақо янгича тизимга ўтказилиб автомактаб ўқитувчилари ИИВ Академиясида замон талабларига мос равишда билиб олиши белгиланиб ижрога қаратилди.

Фикримизча, ушбу ишларни мантиқий давоми сифатида йўл ҳаракати хавфсизлиги фаолиятини самарали ташкил этиш юзасидан ҳуқуқшунос Н.Аллаёровнинг таклифлари ўринли деб ҳисоблаймиз. Унинг фикри қуйидагича:

биринчидан, йўл ҳаракати хавфсизлиги тизимига инновацион лойиҳаларни жорий этишнинг истиқболли стратегиясини ишлаб чиқиш ва уни изчиллик билан амалга ошириш;

иккинчидан, йўл ҳаракати хавфсизлиги тизимига инновацион лойиҳаларни жорий этишнинг аниқ йўналишларини жорий этиш;

учинчидан, йўл ҳаракати хавфсизлиги тизимига инновацион лойиҳаларни жорий этишнинг ҳуқуқий асосларини яратиш;

тўртинчидан, йўл ҳаракати хавфсизлиги тизимига инновацион лойиҳаларни жорий этишнинг институционал ҳамда илмий-амалий методик асосларини яратиш³.

Статистик маълумотларни оладиган бўлсак, дунёдаги энг жиддий ва қўпол қоидабузарлик тезликни ошириш, спиртли ичимликлар ва ҳар қандай психоактив модда ёки гиёҳвандлик воситаларини истеъмол қилган ҳолда транспорт воситасини бошқариш ва қизил чироқда ўтиш ҳисобланади. Бу ҳуқуқбузарликлар учун дунёнинг деярли барча мамлакатларида энг катта жарималар белгиланган. Мисол учун АҚШда қайд этилган ЙТХларнинг 40 % ва ўлимга олиб келадиган бахтсиз ҳодисанинг 60 % алкагол ичимлик истемол қилган ҳолда транспорт воситасини бошқарганлиги оқибатида содир этилган. Ҳаракатланиш тезлигининг автоҳалокатлар сонига ва айниқса авария оқибатларининг оғирлигига таъсири турли мамлакатларда бир неча бор ўтказилган илмий тадқиқотлар натижалари билан тасдиқланган.⁴

² Иброҳимов И. Б. йул-транспорт ҳодисаларининг таҳлили, келиб чиқиш сабаблари ва ҳозирги кунда олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 75-80.

³ Аллаёров Н.У. Йўл ҳаракати хавфсизлиги тизимига инновацион лойиҳаларни жорий этиш //Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. 3. – №. TSTU Conference 1. – С. 36-40.

⁴ www.gov.uz/uz



Шунингдек, 2022 йилнинг 13 май куни АОКАда ЮНИСЕФ, БМТнинг Европа иқтисодий комиссияси ва ИИВ ЖХД Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати мутасаддилари иштирокида ўтказилган матбуот анжуманида “Йўл-транспорт ҳодисаларида болалар ўлимини сезиларли даражада камайтиришга кўмак берувчи чора-тадбирлар” ҳам маълум қилинди. Улар :

- йўл ҳаракатининг барча қатнашчилари, жумладан, ўсмирлар ва ёшлар учун қонунлар ижросини таъминлайдиган миллий қонунчилик ва сиёсатни мустаҳкамлаш;
- инфратузилма ва авариядан кейинги хизматлар;
- мактаб ҳудудини яхшилаш дастурлари ва мактаб ҳудудида йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жарималар тизимини ишлаб чиқиш;
- янги ҳайдовчиларга ҳайдовчилик гувоҳномаларини беришнинг ишончли тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- мактаб ўқувчилари учун йўл ҳаракати хавфсизлиги бўйича ўқув дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;
- аҳоли хабардорлигини ошириш бўйича самарали тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;
- фуқаролик жамияти ташкилотларини қўллаб-қувватлаш⁵

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, юқорида санаб ўтилган тақлифларнинг амалда қўлланиши йўлларда хавфсизлик таъминланишини, йўл-транспорт ҳодисаларининг содир этилиши натижасида инсонларнинг айниқса, болаларнинг турли даражадаги тан жароҳати олишларини, бевақт ҳаётдан кўз юмишларини олдини олишга, юзага келиши мумкин бўлган салбий ҳолатларни бартараф этишга хизмат қилади. Бу эса “инсон қадри учун” амалга оширилаётган ислохотларимизнинг янада самарадорлигини таъминлаган бўларди⁶.

References:

1. Umirov I., Turushev S., Ravshanov F. Йўл бўлакларининг ҳаракатланиш хавфсизлигига таъсирини таҳлил қилиш //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 2. – С. 919-925.
2. Иброҳимов И. Б. йул-транспорт ҳодисаларининг таҳлили, келиб чиқиш сабаблари ва ҳозирги кунда олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 75-80.
3. Аллаяров Н.У. Йўл ҳаракати хавфсизлиги тизимига инновацион лойиҳаларни жорий этиш //Academic research in educational sciences. – 2022. – Т. 3. – №. TSTU Conference 1. – С. 36-40.
4. www.gov.uz/uz
5. Ўзбекистонда уч ойда 39 нафар бола ЙТХда ҳалок бўлди (kun.uz)

⁵ [Ўзбекистонда уч ойда 39 нафар бола ЙТХда ҳалок бўлди \(kun.uz\)](http://kun.uz)

⁶ Рашидов Ш. Йўл–транспорт ҳодисаларининг олдини олишнинг ижтимоий зарурати //Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 3. – С. 31-34.



6. Рашидов Ш. Йўл-транспорт ходисаларининг олдини олишнинг ижтимоий зарурати
//Development of pedagogical technologies in modern sciences. – 2022. – Т. 1. – №. 3. – С. 31-34..